VOLUME 6, ISSUE 2, 2023

THE METHOD OF INCREASING THE EFFICIENCY OF EDUCATION IN THE CURRENT RATING

D.U.Sabirova, K.M.Samatova

Annotation

This article is devoted to the methodology for introducing tests on the topic “Point” into the educational process in the discipline “Descriptive geometry”.

Keywords

Innovative pedagogical technologies, projection planes, points of general and particular character, methodological manuals, a set of tests, student education, rating, theoretical knowledge, practical use.

Аннотация

Данная статья посвящена методике внедрения в учебный процесс тестов на тему “Точка” по дисциплине “Начертательная геометрия”

Ключевые слова

Инновационные педагогические технологии, плоскости проекций, точки общего и частного положения, методическая пособия, сборник тестов, студенческие знание, рейтинг, теоретические знания, практическое использование.

Аннотация

Ушбу мақола “Чизма геометрия” фани “Нуқта” мавзусини ўқув жараёнига тадбиқ қилиш методикасига бағишланади.

Калитли сўзлар

Инновацион педагогик технология, проекциялар текисликлари, умумий ва хусусий холатдаги нуқталар, методик қўлланма, тестлар тўплами, талабалар билими, рейтинг, назарий билим, амалий фойдаланиш.

Таълим тизимига кириб келаётган инновацион педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллаш хозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Талабалар билимини баллар билан баҳолаб, уларни рейтингини аниқлаш барча ўқув фанларида тадбиқ этилмоқда. Маълумки талабалар билимини узлуксиз баҳолаб бориш жорий, оралиқ, якуний назоратлар орқали амалга оширилмоқда.

Ушбу мақола талабалар билимини жорий баҳолашларда холисона, яъни фан мавзулари бўйича тестлар ишлаб чиқиш ва уни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш услубияти орқали таълим самарадорлигини оширишга қаратилган. Чизма геометрия ўқув фани таркиби таҳлил қилинганда уни нуқта, тўғри чизиқ, текислик, нуқта, тўғри чизиқ ва текислик муносабатлари, икки текислик ҳолатлари, сиртлар, тўғри чизиқ, текислик ва сирт муносабатлари, икки сирт мавзуларига ажратиш мумкин. Тадқиқотларни бошида нуқта мавзусига тестлар тўпламини тузишга эътибор қаратилган. Нуқта мавзуси бўйича тестлар ишлаб чиқилди ҳамда нуқта

мавзусини таҳлил қилиш орқали, уларни проекциялар текисликларига нисбатан умумий ва хусусий ҳолатларга ажратиш мумкин. Умумий ҳолатдаги нуқталарнинг сон қийматлари нолдан фарқли бўлиб, қийматларнинг ишорасига қараб, улар фазонинг бирор-бир чорагига тегишли бўлади.

Хусусий ҳолатдаги нуқталарнинг проекциялар ўқларидаги сон қийматлари нол бўлади. Битта сон қиймати нолга тенг бўлган нуқта проекция текисликларининг бирида ётади. Нуқта мавзусига доир амалий дарсларда турли масалалар ишлаш йўли билан талабалар маълум даражада кўникма ва малака ҳосил қиладилар.Талабалар билим даражасини аниқлаш учун нуқта мавзусига доир тестлар тўплами ишлаб чиқилди ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади. Тўпламга киритилган тест саволларидан намуналар келтирамиз: қайси нуқта горизонтал проекциялар текислигига тегишли; нуқталарнинг қайси бири фазонинг иккинчи чорагида жойлашган; нуқталарнинг қайси бири фронтал проекциялар текислигига яқин жойлашган; қайси нуқта профил проекциялар текислигига тегишли; қайси нуқта ордината проекциялар ўқига тегишли; қайси чизмада А нуқта ОХ проекция ўқига нисбатан В нуқтага симметрик; нуқталарнинг қайси бири горизонтал проекциялар текислигига яқин жойлашган; қайси нуқта профил проекциялар текислигига тегишли. Муаллифлар томонидан мавзунинг назарий асоси келтирилган холда тестлар тўплами методик қўлланма сифатида ишлаб чиқилган. Тестлар тўплами карточка сифатида тузилган.Ҳар бир карточкага бешта савол киритилган бўлиб, ҳар бир саволга бешта чизма жавоб тариқасида берилган. Улардан фақат битта чизма тўғри жавоб бўла олади. Нуқта мавзусига доир тестлар тўплами барча таълим йўналишлари талабалари учун жорий баҳолашларда 4-амалий дарсларда қўлланилмоқда. Ўқитувчи дарс бошида талабаларга тест карточкаларини вариант асосида тарқатиб, 5 дақиқа вақт беради. Талаба ўзининг варақасида фамилия исмини вариант номерини кўрсатиб, таклиф этилган бешта саволга жавоб белгилайди. Ҳамма саволларга тўғри жавоб ёзган талаба максимал балл тўплайди. Талабаларнинг чизма геометрия фанининг нуқта мавзусидан ўзлаштирган билимлари тест қай даражалигини аниқлайди. Шу даражалар орқали паст, ўрта ва яхши кўрсаткичлар талабаларни нуқта мавзусини қайси жабҳаларини янада кенгроқ ва алоҳида тўхталиб уларни фазовий тасаввурларини ўсишига хизмат қиладиган имкониятларини очиб беради ва бу омиллар орқали дарслар ташкил этилиб дарс самарадорлиги оширилади. Ўқув жараёнига қўлланилган тест натижалари асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

Қисқа вақтда, сифатли, кам куч сарфлаб, кўп сонли талабаларни билимини аниқлашга имкон туғилади; талабалар билимини холисона ва ишонарли баҳолашни таъминлайди; талабаларнинг фазовий, мантиқий ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга замин яратади; тестлар инновацион педагогик технологиялар сифатида таълим самарадорлигини оширади; тестлар тўпламини электрон версиясини яратиб, барча техника таълим йўналишида тахсил олаётган талабаларни ўқитиш самарадорлигини кенгайтиради.

Адабиётлар

1. Ж. О. Толипова Педагогик квалиметрия модули бўйича маърузалар матни ва амалий машғулотлар – Тошкент 2015й. 108 бет
2. Т.Д.Азимов Начертательная геометрия учебное пособие. – Тошкент 2011г.166 стр.